

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ



“ТАСДИҚЛАЙМАН”
СамДУ ректори
проф. Р.И.Халмурадов
“ ” _____ 2022 йил


Самарқанд давлат университети
«13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи»
ихтисослиги бўйича таянч докторантура
(PhD)га кириш синовлари

ДАСТУР ВА БАҲОЛАШ МЕЗОНИ


Самарқанд – 2022 йил

Дастур СамДУ мактабгача ва бошлангич таълим факультети факултетлараро педагогика кафедрасининг 2022 йил 6-сентябрдаги № 2-сон баённомаси билан тасдиқланган.

ТУЗУВЧИЛАР:

К.Хасанова  СамДУ, Факультетлараро педагогика кафедраси мудири, педагогика фанлари номзоди, профессор.

Н. Киямов - СамДУ, Факультетлараро педагогика кафедраси доценти, педагогика фанлари доктори.

Э. Абдуманнотов  СамДУ, Факультетлараро педагогика кафедраси ассистенти, PhD.

ТАҚРИЗЧИ:

М.Файзиев - Ўзбекистон-Финландия педагогика институти доценти, педагогика факултети, Педагогика кафедраси мудири, педагогика фанлари номзоди.

СамДУ мактабгача ва бошланғич таълим факультети факультетлараро педагогика кафедраси қошидаги «13.00.01 – Педагогика назарияси ва тарихи. Педагогик таълимотлар тарихи» ихтисослиги бўйича таянч докторантура (PhD)га кириш синовлари

ДАСТУРИ

КИРИШ

13.00.01 – Педагогика назарияси ва тарихи. Таълимда менежмент мутахассислиги бўйича “Мутахассислик фанлари”дан таянч докторантура (PhD)га кириш синовлари дастурини ўз ичига Педагогика назарияси, Педагогика тарихи, Ижтимоий педагогика, Оила педагогикаси, Халқ педагогикаси, Қиёсий педагогика, Мактабгача ва коррекцион педагогика асослари, Тарбиявий ишлар методикаси, Педагогика фанларини ўқитиш методикаси, Педагогик технология, Педагогик маҳорат каби 11 та мутахассислик фанини олган бўлиб, таълим йўналиши бўйича бакалаврият ва магистратура таълим йўналиши негизидаги мутахассисликлар бўйича катта илмий-ходим изланувчилар ва мустақил изланувчиларнинг тайёргарлик даражаси ва зарурий билимлар мазмунига қўйиладиган умумий талабалар (Ўзбекистон давлат стандарти)га асосланиб тузилган.

Дастурнинг асосий мақсади

Дастурнинг асосий мақсади- Педагогика назарияси ва тарихи. Таълимда менежмент ихтисослиги бўйича таянч докторантура (PhD)га “Мутахассислик фанлари”дан таянч докторантура (PhD)га кирувчи талабгорларнинг илмий ва илмий педагогик ишларга бўлган қизиқиши, лаёқати ҳамда қобилиятларини холисона аниқлаш ва мезон асосида баҳолашдан иборат.

Дастурнинг вазифалари

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг таянч докторантура (PhD)га кириш синовларини ўтказиш тўғрисидаги ижросини таъминлаш мақсадида доктарунтарага қабул қилиш бўйича қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қарорини инобатга олган ҳолда: а) таянч докторантура (PhD)га киришга талаблагорларнинг илмий ва илмий педагогик ишларга бўлган қобилияти, лаёқати ҳамда қизиқишларини аниқлашга доир ёзма синовни ташкил этиш; б) унинг илмий ва илмий педагогик ишларга бўлган қобилияти, лаёқати ҳамда қизиқишларини аниқлаш мақсадида танланган мутахассисликка мос саволлар асосида ёзма синовдан ўтказилишини таъминлашдан иборат.

ПЕДАГОГИКА НАЗАРИЯСИ

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури. Ўқитувчилик касбининг жамиятда тутган ўрни. Педагогиканинг назарий асослари. Умумий педагогик жараённинг назарий асослари. Дидактика (таълим назарияси): таълим жараёни, қонуниятлари, тамойиллари, мазмуни, таълим методлари ва воситалари, таълимни ташкил этииш шакллари, таълим олганликни ташхис этиш. Тарбия назарияси: тарбия жараёни, қонуниятлари, тамойиллари, тарбиянинг умумий методлари, тарбия турлари: мақсади ва вазифалари, мазмуни ва моҳияти, шакл, метод ва воситалари. Таълим муассасасини бошқариш: Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни, таълим соҳасида давлат сиёсатининг асосий тамойиллари, таълим тизими ва турлари, таълим муассасаси менежменти, таълимни бошқариш тамойиллари, таълимнинг ички бошқаруви. Коррекцион педагогика асослари: коррекцион педагогиканинг шаклланиши ва ривожланиши, коррекцион педагогиканинг соҳалари.

Кадрлар тайёрлаш тизими ва унинг асосий қисмлари: шахс, давлат ва жамият, узлуксиз таълим, фан, ишлаб чиқариш. Демократик жамиятда педагоглик касби. Ўқитувчи шахсига қўйилган талаблар.

Педагогика ижтимоий фан сифатида. Педагогиканинг асосий категория ва тушунчалари. Педагогик фанларнинг тузилиши. Педагогик фанлар тизими. Илмий-педагогик тадқиқот методларига тавсиф.

Шахс ҳақида тушунча. Шахс ривожланиши. Шахс ривожланишининг омиллари. Бола шахси тарбия объекти ва субъекти сифатида. Шахс фаоллиги.

Педагогик тизимлар ва уларнинг шакллари ҳақида тушунча. Таълим тизимларига умумий тавсиф. Педагогик жараённинг моҳияти. Педагогик жараён яхлит ҳодиса сифатида. Ягона педагогик жараённи яратиш мантиғи ва шароитлари.

Таълим назарияси (дидактика) педагогиканинг таркибий қисми сифатида. Дидактиканинг мақсад ва вазифалари.

Таълим жараёни моҳияти. Ўрганиш билиш фаоллиги шакли сифатида. Ўқитиш ва ўрганиш жараёнлари тавсифи, ўқув жараёнида уларнинг ўзаро боғлиқлиги. Шарқ ва Ғарб мутафаккирларининг гносеологик ғоялари таълим жараёни асоси сифатида. Ўқувчиларнинг билиш фаолияти ва унинг тузилиши. Таълим тамойиллари ва қонуниятлари.

Илмий-техник жараён ва таълим мазмуни. Таълим мазмунини ташкил этиш концепцияси. Академик лисей ва касб-ҳунар коллежининг ўқув режаси. Ўқув дастурлари, дарслик ва ўқув қўлланмалари тавсифи. Академик лисей ва кас-ҳунар коллежининг давлат таълим стандартлари.

Таълим методлари ва усуллари тушунчалари. Замонавий дидактикада таълим методлари таснифига турлича ёндашувлар. Шарқ мутафаккирлари таълим методлари ҳақида. Таълим методлари самарадорлигини ошириш йўллари.

Таълим турлари. Таълимни ташкил қилиш шакллари ҳақида тушунча. Таълимни ташкил қилишнинг анъанавий синф-дарс шакли. Дарс турлари ва тузилиши. Таълимни ташкил қилишнинг ноанъанавий шакллари: ўқув диалоглари, мунозара, дидактик ўйинлар, тренинг ва бошқ. Академик лисей, касб-ҳунар коллежларида маъруза ва семинар. Ўқув ишларини ташкил қилишнинг дарсдан ва таълим муассасасидан ташқари шакллари.

Таълим олганликни ташхис этишнинг моҳияти. Ўқув жараёнида назорат ва ҳисобга олиш функциялари. Таълим олганликни натижаларини текшириш ва баҳолаш тамойиллари. Ўқув фаолияти натижаларини ҳисобга олиш турлари, шакллари ва методлари. Билим, кўникма ва малакаларни баҳолаш мезонлари.

Тарбия жараёнининг моҳияти ва аҳамияти. Тарбия жараёнининг тизими ва тузилиши ҳамда унинг қонуниятлари. Тарбия жараёни мазмуни. Тарбия тамойиллари.

Жамоа тушунчаси. Болалар жамоасининг шакллантиришнинг моҳияти ва ташкилий асослари. Болалар жамоасининг ривожланиш даражаси ва босқичлари. Болалар жамоаси ривожининг асосий шарт-шароитлари.

Тарбия методлари моҳияти ва унинг таснифи. Ижтимоий онгни шакллантириш методлари. Фаолиятни ташкил этиш ва ижтимоий хулқ-атвор меъёрларини шакллантириш. Педагогик рағбатлантириш методлари ва хулқ-атворни тузатиш. Тарбияда назорат, ўз-ўзини баҳолаш ва ўз-ўзини назорат қилиш методлари.

Мустақил фикрлаш, илмий дунёқараш ва миллий ғояни шакллантириш ўқув-тарбия жараёнининг таркибий қисмлари. Ақлий тарбия. Ақлий тарбиянинг мақсади ва мазмуни. Билим, кўникма ва малакаларни шакллантириш – ақлий тарбиянинг асоси.

Фуқаролик тарбиясининг мақсад ва вазифалари. Фуқаролик тарбияси функциялари. Ўқувчиларга фуқаролик тарбиясини бериш жараёнида Давлат рамзлари (Мадҳия, Герб, Байроқ)дан фойдаланиш. Ватанпарварлик ва байналмилаллик тарбияси.

Ватанпарварлик ва байналмилаллик – фуқаролик тарбияси асоси. Ҳуқуқий тарбия. Ёш авлоднинг ҳуқуқий маданияти ва онгини шакллантириш – фуқаролик тарбиясининг таркибий қисми.

Меҳнат тарбияси мақсад ва вазифалари. Шарқ мутафаккирлари меҳнат тарбияси ҳақида. Меҳнат тарбиясининг мазмуни ва методлари. Иқтисодий тарбия меҳнат тарбиясининг таркибий қисми сифатида.

Ахлоқ ижтимоий онг, таъсир этиш, ва тарбия шакли сифатида. Шарқ мутафаккирларининг ахлоқий қарашлари. Ахлоқий тарбиянинг моҳияти ва мазмуни. Оилавий ҳаётга ахлоқий тайёргарлик.

Эстетик тарбиянинг мақсад ва вазифалари. Эстетик тарбиянинг мазмуни, шакл ва методлари.

Экологик тарбиянинг моҳияти ва мазмуни. Экологик тарбиянинг шакл ва методлари. Ўқувчиларда экологик тарбияни шакллантириш.

Жисмоний тарбиянинг мақсад ва вазифалари. Жисмоний тарбиянинг мазмуни, шакл ва методлари.

Оила, унинг тарбиявий функцияси. Оилавий тарбиянинг ҳуқуқий асослари. Оила мустақамлиги ҳақида давлатимиз ғамхўрлиги. Шарқ мутафаккирлари оилавий тарбия ҳақида. Ўқувчиларнинг ўқув фаолиятида оиланинг ғамхўрлиги. Оилавий тарбия қоидалари.

Ўзбекистон Республикаси "Таълим тўғрисида"ги Қонуни. Узлуксиз таълим тизими, унинг таркибий қисмлари ва даражаси. Таълим соҳасида давлат сиёсатининг асосий принциплари.

Таълим муассасаси менежменти ҳақида умумий тушунча. Академик лисей ва касб-ҳунар коллежи ҳақидаги Низом. Академик лисей ва касб-ҳунар коллежларига ўқувчилар қабул қилиш. Таълим-тарбия жараёнини ташкил этиш ва мазмуни. Ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини бошқариш. Таълим муассасаси Устави раҳбарлик ва бошқарув тизимини аниқловчи ҳужжат. Педагогик кадрлар малакасини ошириш ва уларни аттестасиядан ўтказиш, ёш ўқитувчилар билан ишлаш.

Коррекцион педагогика педагогик фанларнинг тармоғи сифатида. Коррекцион (махсус) педагогиканинг асосий вазифалари, тамойиллари ва методлари. Аномал болалар ва уларнинг умумий тавсифи. Ақлий ривожланишида нуқсон бор болалар. Бошқа камчиликлар(ешитиш, кўриш, нутқ). Ўзбекистон Республикасида аномал болаларнинг ижтимоий ҳолати.

ПЕДАГОГИКА ТАРИХИ

Энг қадимги ёдгорликларда инсон тарбиясига оид фикрлар. Қадимги даврларда тарбия ва унинг кишиларнинг меҳнат фаолияти билан боғлиқлиги. Ибтидоий одамлар ҳаётида тарбиянинг ўзига хос хусусиятлари. Фолклор намуналарида оғзаки таълим усулларининг ифодаланиши. Қадимги давлатлар: Суғдиёна, Бактрия ва Хоразмда таълим-тарбиянинг ривожланиши. «Авесто»-энг қадимги маърифий ёдгорлик намунаси. Ўрхун-Энасой обидалари, уларнинг маърифий аҳамияти.

Моварауннаҳрда мустақил давлатларнинг ташкил топиши ва таълим-тарбия тараққиёти. Араб мусулмон олами Уйғониш даври ва унинг ўзига хосликлари. Уйғониш даври мутафаккирлари асарларида таълим-тарбия масалаларининг акс этиши. Мусо ал Хоразмийнинг фанлар ривожига қўшган ҳиссаси. Абу Али ибн Сино ва унинг таълим-тарбияга оид фикрлари. Абу Наср Форобий асарларида педагогик масалаларнинг ёритилиши. Абу Райҳон Берунийнинг таълим-тарбияга доир қарашлари ва уларнинг аҳамияти. Юсуф Хос Ҳожиб ва унинг «Қутадғу билиг» асари.

XIV-XV асрларда Моварауннаҳрда таълим-тарбия ва педагогик фикрлар. Ижтимоий ҳаётнинг тарбия, таълим ва педагогик фикр тараққиётига таъсири.

Моварауннаҳрда Амир Темурнинг марказлашган давлатининг пайдо бўлиши ва унинг илм-маърифатнинг тараққий этишидаги роли. Мактаб ва мадрасалардаги таълим-тарбиянинг ўзига хос хусусиятлари. Табиий фанларни ўқитишнинг ривожланиши. Мирзо Улуғбекнинг илм-маърифат соҳасидаги хизматлари. Унинг даврида таълим-тарбия тизими. Алишер Навоийнинг таълимий-ахлоқий мероси. Навоийнинг «Ҳайрат-ул аброр» «Маҳбуб ул-қулуб» асарларида таълим-тарбия масалаларининг ёритилиши. Жалололдин Давонийнинг маърифий-ахлоқий қарашлари. «Ахлоқи Жалолий» асарининг педагогик фикрлар тараққиётида тутган ўрни. Ҳусайн Воиз Кошифийнинг ахлоқий қарашлари.

XVII-XVIII асрлар, XIX асрнинг биринчи ярмида Бухоро, Қўқон ва Хива хонликларида илм-фан тараққиёти. Мадрасаларда «Қуръон», «Тафсир», «Одоб-ас-солиҳин», «Кимёи саодат», «Ҳадис», «Шамойил-ул-наби», «Ҳикмат ул-айн»ларнинг ўрганилиши. Қўқон ва бошқа хонликларда отиноилар мактаблари. Жаҳон Отин Увайсий ва унинг қизлар мактаби.

Туркистон ўлкасида ислом диний-тарбиявий муассасаларнинг анъанавий тизими. Туркистонда чоризм мактаб сиёсатининг бошланиши. Туркистонда жадидчилик ҳаракати, янги усул мактабларининг пайдо булиши. И. Гаспирали фаолияти. Мунаввар Қори, Авлоний, Шакурий, Бехбудийларнинг янги усул мактабларини ташкил этиш борасидаги фаолияти. Абдулла Авлонийнинг «Туркий гулистон ёхуд ахлоқ» асарида таълим-тарбия тизими. Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий, Фитрат фаолияти ва илмий педагогик меъроси.

Ўзбекистонда 1917-1924 йилларда мактаб ва маориф. Туркистонда миллий давлат чегараланиши ўтказилганидан сўнг халқ таълими ва педагогик фикр (1924-1941). Иккинчи жаҳон уруши ва ундан кейинги йилларда Ўзбекистонда халқ маорифи ва педагогика тараққиёти. Сиддиқ Ражабов ва унинг Ўзбекистонда педагогика фани ривожига қўшган ҳиссаси. XX асрнинг 70-80 йилларида Ўзбекистонда таълим тизими.

Ўзбекистон Республикасининг мустақиллиги эълон қилиниши ва таълим тизимидаги ислохотлар. «Таълим тўғрисидаги қонун» ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури». Узлуксиз таълим тизими ва турлари. Мустақиллий йилларида педагогик тадқиқотларнинг асосий йўналишлари. Президент И. Каримов асарларида баркамол авлод тарбияси ва таълим -тарбияни ислох қилиш ғоялари.

Қадимги Юнонистон ва Рим давлатларида таълим-тарбия. Қадимги Шарк давлатларида педагогик фикрларнинг пайдо бўлиши. Қадимги Юнонистон (Спартак, Афина) давлатларида тарбия ва таълим тизими. Қадимги Юнон файласуфлари таълимотида тарбия масалалари. Ғарбий Европа мамлакатларида таълим-тарбия. Я.А. Коменскийнинг синф-дарс тизими. К.Д. Ушинский нинг педагогик мероси. XIX аср охири XX аср бошларида Ғарбий Европа, АҚШ, Россияда педагогик ислохотлар ва унинг асосий оқимлари. Жаҳон мамлакатларида педагогиканинг фан сифатида ривожланиши.

Иқтисодий ривожланган мамлакатларда таълим тизими ва мактабларда таълим-тарбия амалиёти. Жаҳон мамлакатларидаги замонавий-ижтимоий билимлар тизимида педагогика фани ва унинг асосий оқимлари. АҚШ, Япония, Германия, Туркия, Жанубий Кореяда таълим ва тарбия тизими, мазмуни ва тараққиёти.

ИЖТИМОЙ ПЕДАГОГИКА

Ижтимоий педагогика ижтимоий зарурият сифатида. Унинг асосий муаммолари. Ижтимоий педагогиканинг мақсади, вазифалари, объекти ва предмети. Ижтимоий педагогика асослари. Ижтимоий педагогика алоҳида фан ва амалий фаолият соҳаси сифатида. Боланинг сосиумда ривожланиши. Шахснинг ижтимоийлашуви. Одоб-ахлоқ ҳаётий меъёрлар сифатида. Ижтимоий педагогикада

“меъёрдан оғиш” тушунчаси. Ижтимоий педагогик жараён. Марказий Осиё халқларининг ижтимоий-педагогик анъаналари. Жамиятнинг миллий мафкуравий онглилиги ижтимоий-педагогик ходиса сифатида. Ижтимоий педагог ва унинг касбий фаолияти. Ижтимоий педагог таълим тизимида. Ижтимоий педагогнинг болалар ва ўсмирлар орасидаги реабилитацион хизмати модели ва механизми. Девиант болалар ва ўсмирлар. Уларни реабилитасия қилиш йўллари. Ижтимоий педагог фаолияти методикаси ва технологияси. Девиант болалар ва ўсмирлар. Уларни реабилитасия қилиш йўллари. Ижтимоий педагог фаолияти методикаси ва технологияси.

Республикамизда амалга оширилган ислохотлар ва уларнинг ижтимоий ҳаётга таъсири. Жамиятнинг ижтимоий тузилмаси. Ҳозирги вақтда ижтимоий педагогика ва педагогик социология фанига зарурият ва унинг аҳамияти.

Раҳмдиллик ва хайр-саҳоват ижтимоий-педагогик фаолиятнинг маданий-тарихий анъанаси сифатида. Ўзбекистонда хайр-саҳоватнинг ривожланиш босқичлари. Ўзбекистонда “ижтимоий педагог” касбининг пайдо бўлиши.

Антик даврда ижтимоий педагогиканинг ривожланиши. XIV –XV асрларда ижтимоий-педагогик ғояларнинг ривожланиши. XVI-XIX асрларда ижтимоий-педагогик фаолият. XX асрнинг 20 йилларида ижтимоий-педагогик ғоялар ва педагогик фаолиятнинг тубдан янгиланиши. Ижтимоий педагогика ривожланишининг замонавий босқичи.

«Авесто» ва адабий манбаларда ижтимоий-педагогик ғоялар. Ўрта асрларда Ўрта Осиё қомусий олимларининг ижтимоий-педагогик ғоялари. XVIII-XIX аср маърифатпарварларининг ижтимоий-педагогик қарашлари. XX аср бошларида ижтимоий-педагогик фаолият. II жаҳон уруши йилларида ижтимоий-педагогик фаолият.

Ўзбек халқ педагогикасида таълим-тарбия масаласининг ижтимоий характери. Ўзбек этнографиясида мукамал инсон модели. Ислום – монотеистик дин. Ҳадисларда ижтимоий-педагогик фикрларнинг ёритилиши.

Ижтимоий педагогиканинг тадқиқот объекти ва ижтимоий педагогика ривожланиши тарихидан. Ижтимоий педагогика ва ижтимоий иш. Ижтимоийлашув – ижтимоий-педагогик жараён.

Меъёр ва меъёрдан оғиш: тушунча ва тавсиф. Меъёрдан оғиш турлари. Меъёрдан оғиш назарияси.

Ижтимоий педагог касбий фаолиятининг ўзига хослиги. Касбий фаолиятнинг тузилиши. Ижтимоий педагог касбий фаолият субъекти сифатида: шахсий тавсиф ва касбий билимдонлик. Ижтимоий педагогнинг касбий фаолияти соҳалари.

“Тамойил” ва “қоида” тушунчаси. Табиат билан уйғунлик тамойили. Маданият билан уйғунлик тамойили. Инсонпарварлик тамойили.

Педагогика ва ижтимоий педагогика категориялари. Ижтимоий-педагогик фаолият. Ижтимоий таълим. Тарбия ва ижтимоий тарбия.

Ижтимоийлашувга таъсир этувчи омиллар. Ташқи ва ички омиллар. Микро, мезо ва макро омиллар. Шахс ижтимоийлашувига сиёсий, иқтисодий, экологик омилларнинг таъсири.

Боланинг илк ижтимоийлашув даври. Боланинг ижтимоийлашувида оила, таълим-тарбия муассасалари, маданият, дин ва маҳалланинг ўрни.

Маҳалланинг пайдо бўлиши тарихидан. Маҳалланинг ижтимоий-педагогик ўрни. Маҳаллада кадрятлар ва ижтимоий онг транслясияси.

Илмий тадқиқотнинг моҳияти. Ижтимоий педагогика ва педагогик социологияда илмий тадқиқотнинг вазифалари. Ижтимоий-педагогик тадқиқотнинг босқичлари ва методлари.

Ўсмирлик ёшида девиасиянинг юзага келиши шарт-шароитлари. Девиасия турлари. Ўсмирларда девиант хулқ-атворнинг келиб чиқиши сабаблари. Девиасия концепциялари.

Методика тушунчаси. Ижтимоий-педагогик фаолият методлари моҳияти. Ижтимоий-педагогик технологиялар.

Мустақиллик йилларида ижтимоий-реабилитацион муассасаларнинг тубдан янгиланиши. Ўзбекистонда SOS – болалар маҳалласининг фаолияти.

Ижтимоий педагогик нуктаи назардан оила турлари. Oilанинг ижтимоий вазибалари. Ижтимоий педагогнинг oilалар билан олиб борадиган ишлари шакл, метод ва воситалари.

Васийлик ва ҳомийлик тушунчаси. Васийлик ва ҳомийлик тарихидан. Васийлик ва ҳомийликнинг меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда акс эттирилиши. Ўзбекистон ва чет эларда васийлик ва ҳомийлик.

Етимликнинг келиб чиқиши сабаблари. Етим болаларнинг психологияси. Бола асраб олган oilа билан олиб бориладиган ижтимоий-педагогик фаолият.

Чақалоклик даврида ижтимоийлашув мослашув. Гўдаклик даврида ижтимоий мослашувнинг ўзига хосликлари. Мактабгача таълим муассасаларда олиб бориладиган ижтимоий-педагогик фаолият.

Умумий ўрта таълим мактабларининг ижтимоий функциялари. Мактабдан ташқари вақтни тўғри ташкил этишда ижтимоий педагогнинг ўрни. Тенгқурлар жамоаси ва болалар субмаданияти. Мактабда педагогик жиҳатдан меъёрдан оғишганлар билан ижтимоий педагогнинг олиб борадиган ишлари шакл, метод ва воситалари. Ижтимоий педагогнинг ўқувчиларни касб танлашга йўналтиришга оид вазибалари.

Спиртли ичимликлар истеъмол қилиш муаммоси. Болаларнинг спиртли ичимликлар ичишининг сабаб ва оқибатлари. Болалардаги спиртли ичимликка муносабат даражаси ва ҳар бир даражада ижтимоий педагогнинг ёрдам бериш шакллари.

Гиёҳвандлик муаммоси. Наркотик моддаларнинг турлари ва таснифи. Ўсмирлар гиёҳвандлигининг сабаблари ва оқибатлари. Болаларда гиёҳвандликка муносабат даражаси ва ҳар бир даражада ижтимоий педагогнинг ёрдам бериш шакллари.

Вояга етмаганлар жиноятчилиги муаммоси. Вояга етмаган ҳуқуқбузарлар учун махсус ўқув тарбиявий муассаса. Вояга етмаган жазога ҳукм қилинганларнинг ёш билан боғлиқ ўзига хосликлари, ҳамда тарбиявий муассасаларда жойлашуви.

Ижтимоий - педагогик технология тушунчаси ва унинг моҳияти. Назарий, амалий ва тадқиқотчилик ижтимоий - педагогик технологиялар. Ижтимоий педагогнинг амалий фаолияти ва технологияларнинг ўзаро алоқалари. Ижтимоий - педагогик технологиялар таснифи. Таснифнинг асослари ва ме-зонлари. Умумий ва хусусий ижтимоий - педагогик технологиялар. Диаг-ностик, диагностик-прогностик, эксперт-баҳолаш ижтимоий - педагогик технологиялар.

Босқиччилик - ижтимоий - педагогик технология структураси ва уни амалга ошириш жараёнининг асосий хусусияти сифатида. Ижтимоий - педагогик технологияни танлаш жамиятнинг ижтимоий буюртмаси. Таълим муассасасининг йўналиши, ижтимоий-педагогик вазибалар билан боғлиқлиги. Ижтимоий-педагогик ташҳис, истиқболлаш, режалаштириш, бошқариш ва баҳолаш.

Таълим муассасида ижтимоий - педагогик ишни ташкил этиш. Таълим муассасаси ижтимоий - педагогик хизматининг болани ижтимоийлаштириш (социализация), уни тарбиялаш, соғломлаштириш, ҳимоялаш, ўз -ўзини ре-лизациялашни ривожлантира бошлаш муаммоларига йўналтирилганлиги.

Ижтимоий педагогнинг касбий мақоми янги ижтимоий – иқтисодий, ҳуқуқий ва психологик омиллар билан белгиланганлиги. Таълим муассасасида ижтимоий педагог фаолиятининг бошқарув, тарбиявий ва ташкилий жи-ҳатлари. Таълим муассасаси, оила ва ижтимоий муҳит билан ишлаш ижтимоий педагог фаолиятининг асосий йўналишлари.

Ижтимоий педагогнинг касбий фаолияти воситалари унинг ташҳис, бошқарув ва мувофиқлаштириш ишлари билан белгиланганлиги. Дастлабки танишиш – билиш вазифалари. Мактабгача муассасанинг таянч муаммолари: дастлабки ижтимоийлаштириш, индивидуал қобилиятларни ривожлантириш, мотивасия, мослашиш, хулқ услубини шакллантириш ва ш.к. ни ҳал этиш. Ижтимоий педагогнинг психологик, педагогик ва тиббий йўналишдаги марказлар билан ташқи алоқалари. Намунавий технологик харитани унинг босқичлари тавсифини яратиш. Ижтимоий-педагогик ишнинг асосий методлари: лойиҳалаш, режалаштириш, моделлаштириш, дастурлаш. Ташҳис ва истиқболлаш воситалари, сўровномалар, кузатув ва таҳлил ҳужжатлари бланкалари.

Ишнинг асосий йўналишлари: мазкур тоифадаги болаларни аниқлаш ва гуруҳ ёки якка тартибда ишни ташкил этиш. Ташкилий ижтимоий педагогик технологиялар: 1) тарбияси оғир болалар ҳақида маълумотлар банкини шакллантириш; 2) боланинг шахсий ва ижтимоий ривожланиши муаммоларини ташҳислаш; 3) бола, гуруҳ, жамият билан ижтимоий – педагогик ишлар дастурини тузиш ва тасдиқлаш; 4) дастурнинг бажарилиши шароит-ларини таъминлаш; 5) маслаҳат хизмати; 6) ижтимоий педагогнинг идоралараро алоқалари.

Оила – ижтимоийлаштиришнинг бош институти. Оилада номақбуллик кўрсаткичлари ва бола тарбиясига салбий таъсири. Бола – ижтимоий педагогнинг саъй-ҳаракатлари маркази. Номақбул оила билин ишлаш технологияси даражалари: профилактика, ташҳислаш, реабилитасиялаш. Ота – оналарга педагогик маърифат тарқатиш; ота-оналар ва мутахассисларнинг ихтиёрий ҳамколиги; эркин тарбиялаш тарғиботи. Диагностик технология тамойиллари: обективлик, ахборот манбаларининг кўп сонлилиги, клиентосентризм, конфиденсиаллик (махфийлик). Диагностик технолоия методлари: шкалалаштириш, лойиҳалаш ва ассосиатив лойиҳалаш, карточкали, экспрессив методикалар, ижтимоий биографиялар методи, ҳужжатлар таҳлили. Оилага ижтимоий-педагогик ёрдам туркуми (сикли). Реабилитасия иши даражалари:

- индивидуал (маслаҳат технологиялари, хат-мурожаат, ижтимоий патронаж);
- гуруҳли (суҳбат, маъруза, диспут, йиғилиш, дискуссиялар, тренинг);

умумий (суҳбат, маъруза. Оммавий аксиялар - ҳашарлар, саёҳатлар, байрамлар уюштириш).

Кейинги ўн йилликда бутун дунёда имкониятлари чекланган болалар сони ортганлиги. «Изолясиядан интеграсияга» муаммосига замонавий ёндашув. Ижтимоий педагогнинг мақсади – оиланинг вазиятли – ролли мослашганлигини орттириш. Ижтимоий-ролли мослашганлик кўрсаткичлари: болага муносабат; оиланинг реабилитасион фаоллиги; оиланинг реабилитасион маданияти. Оила билан ўзаро ҳамкорликнинг технологик моделлари: ёрдам; психологик, кризисинтервент, муаммоли-йўналтирилган.

ОИЛА ПЕДАГОГИКАСИ

Оила педагогикаси фанининг предмети, мақсад ва вазифа-лари. Оила педагогикасининг бошқа фанлар билан боғлиқлиги. Оила педагогикасининг илмий-тадқиқот методлари.

Қадимги Юнон ва Рим мутафаккирларининг оила тарбияси ҳақидаги қарашлари. Европа Уйғониш даври мутафаккирлари асарларида оила тар-биясининг акс этиши. Ян. Амос Коменский оилада тарбиянинг ўрни ҳақида. Маърифатпарвар мутафаккирларнинг оила тарбиясига оид фикрлари. Рус педагогларининг оила педагогикасига оид қарашлари.

Қадимги даврларда Ўрта Осиёда оила тарбиясига оид қарашлар. «Қуръони Карим» ва ҳадислар оила тарбиясининг муҳим манбалари сифатида. Ўрта асрларда оила педагогикасига оид фикрлар. Маърифатпарвар ўзбек педагог-олимлари оила тарбияси хусусида. XX асрда оила тарбиясига доир ёндашувлар ва уларнинг моҳияти. Мустақиллик йилларида оила тарбияси масаласи.

Оила – мустақиллик йилларида давлат сиёсатидаги устивор масала сифатида. Оилада ёшларни мустақил оилавий ҳаётга тайёрлаш. Оилада ёшларни мустақил оилавий ҳаётга тайёрлашда оила ва жамоатчилик ҳамкорлиги.

Оила тушунчаси. Оиланинг вазифалари: жамиятга муносабати бўйича оиланинг вазифалари; одамларга муносабати бўйича оиланинг вазифалари.

Оиланинг тарихий турлари. Ҳозирги вақтда оилаларнинг хилма-хил шакллари. Ўзаро муносабатлар характери бўйича оилаларнинг турлари.

Замонавий оилаларнинг ўзига хосликлари. Замонавий оилалар ривожининг ижтимоий хусусиятлари. Замонавий оилалар ривожининг психологик хусусиятлари. Замонавий оилалар ривожининг педагогик хусусиятлари.

Оила тарбияси яхлит тизим сифатида. Оилада ахлоқий тарбия. Оилада болаларни эстетик руҳда тарбиялаш. Оилада жисмоний тарбияни йўлга қўйиш. Оиланинг болаларнинг иқтисодий саводхонлигини оширишдаги ўрни.

Оилада болаларни тарбиялаш методлари. Ота-оналарнинг тарбия методларини танлаш ва қўллаш шарт-шароитлари. Оилада болалани тарбиялаш шакллари. Оилада болаларни тарбиялаш воситалари.

Мулоқот тушунчаси. Оилада мулоқот услублари ва уларнинг ўзига хосликлари. Авторитар услуб. Либерал услуб. Демократик услуб.

Таълим муассасаси, ўқитувчилар, синф(гуруҳ) раҳбарининг ўқувчиларнинг ота-оналари билан олиб борадиган ишлари шакл ва методлари ҳақида тушунча. Педагогик лекториялар. Синф (гуруҳ)лар бўйича педагогик мажбурий таълим. Йиллик якуний илмий-амалий конференция. Очиқ эшиклар куни. Синф(гуруҳ) ота-оналар мажлиси. Педагогик маслаҳат.

ХАЛҚ ПЕДАГОГИКАСИ

Халқ педагогикаси фанининг мақсади, вазифалари, мазмуни, халқ педагогикасининг дидактик имкониятларини ўқув-тарбиявий жараёнга тадбиқ этиш, халқ педагогикасида оила ва оилавий тарбиянинг акс этиши, халқ педагогикасида ёшларни тарбиялашнинг метод, усул ва воситалари, халқ педагогикаси ва ўзбек халқ оғзаки ижоди, халқ педагогикаси ва халқ оғзаки ижодида дostonлар, халқ педагогикасида миллий урф-одатлар, анъаналар, удумлар, маросимларнинг тарбия воситаси сифатидаги ўрни, халқ педагогикасида диний таълимотлар, халқ педагогикасида халқ амалий санъати ва маданиятининг ўрни, ўзбек халқининг муомала маданияти, ахлоқий меъёрлари, турмуш кечириш тартиб-қоидаларини ўрганишнинг тарбиявий аҳамияти

Халқ педагогикасининг педагогика тизимидаги ўрни. Курснинг предмети, объекти, мақсади ва вазифалари. Халқ педагогикасининг бошқа педагогика фанларидан фарқи. Мазкур фанни ўрганишнинг долзарблиги. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида таълимнинг миллий йўналишига қўйилган талаблар.

Халқ педагогикасининг тарбиявий аҳамияти. Халқ педагогикасида бола -таълим ва тарбия объекти ва субекти сифатида. Умумий ўзбек таълим тизими, АЛ ва КХКларида халқ педагогикаси ғоялари ва тарбия тажрибасидан фойдаланиш имкониятлари.

Оилада миллий ва умуминсоний қадриятлар. Халқ педагогикасида оила образи. Севги ва оилавий муносабатлар. Бола тарбиясида оиланинг муҳим аҳамият касб этиши. Ота-она тарбиячи сифатида. Оилада бувилар ва буваларнинг тарбиядаги ўрни. Ўзбек халқ педагогикасида оила ва оилавий тарбия ҳақидаги тасаввурларнинг фойдаланиши. Халқ педагогикасида ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш.

Халқ педагогикасида тушунтириш, намуна кўрсатиш, огоҳлантириш, илтимос қилиш, койиш ва бошқа бир қатор тарбиялаш методларининг мавжудлиги ва улардан ёшларни тарбиялашда фойдаланиш йўллари. Халқ педагогикаси ва авлодлар ворислиги.

Ўзбек халқининг ёзма ва оғзаки ижоди. Фолклор ва фолклористика. Халқ оғзаки ижоди хусусиятлари ва жанрлари. Халқ прозаси ва поезияси. кўшиқлар, мақол ва маталлар. Афсоналар ва ривоятлар, асотирлар ва масаллар. Халқ эртақларининг ўзига хос хусусиятлари. «Авесто» ёвузлик устидан адолат, эзгулик ғалабаси рамзи.

Достонларнинг ўзига хос хусусиятлари. Лирик, эпик, драматик достонлар. Қаҳрамонлик достонлари, жангнома, тарихий, романтик китобий достонлар. Достонларнинг тарбиявий аҳамияти. Достонларда қаҳрамонлик, мардлик, ватанпарварлик ғояларининг акс этиши.

Миллий урф-одатлар, анъаналар, маросимларнинг моҳияти ва тарбиявий аҳамияти. Халқ ўйинлари ва ўйинчоқлар. Оилавий анъаналар. Тарбиявий анъаналар. Байрамлар. Халқ сайллари. Давлат байрамлари, диний байрамлар. Халқ байрамлари турлари. Миллий урф-одатлар ва анъаналарнинг эъзозланиши, авлодларга меърос қолдирилиши ва уларнинг барқарорлигининг таъминланиши.

Диний бағрикенглик. Диний адабиётлар – педагогик фикрлар манбаи сифатида. Диний фанатизм, фундаментализм, терроризм хавф-хатари – диний саводсизлик оқибати эканлиги. Диний таълимот, ҳадисларнинг тарбиявий аҳамияти.

Халқ амалий санъати ва хунармандчилиги. Тарихий ёдгорликлар ва миллий меъморчилик. Миллий мусиқа ва кўшиқчилик санъати, халқ рақс санъати ва театр. Дорбозлик. Кўғирчоқ театри, унинг тарихи. Тасвирий санъат. Халқ амалий санъати, тасвирий санъат, мусиқа санъати ёш авлодни эстетик тарбиялашда муҳим омил сифатида.

Фарзанд тарбиясида маҳалланинг ўрни. Соф инсоний фазилатлар: саҳийлик, хушмуомалалик, олийжаноблик, ҳалоллик, инсонпарварлик ва б. Барча ижобий хислатларни бола тарбиясига сингдириш.

ҚИЁСИЙ ПЕДАГОГИКА

Қиёсий педагогика фани ҳақида тушунча. Қиёсий педагогиканинг ривожланиш босқичлари, қиёсий педагогика фани ривожланишида халқаро ташкилотлар ва уларнинг фаолияти, жаҳон мамлакатлари таълими тараққиёти масалалари, Европа мамлакатларида таълим-тарбия масалаларининг олиб борилиши ва қиёсий таҳлил, Осиё мамлакатларида таълим-тарбия жараёнининг ўзига хос хусусиятлари ва уларнинг қиёсий таҳлили, ривожланган мамлакатларда таълим-тарбия тизими ва қиёсий таҳлил, Марказий Осиё давлатларида таълим-тарбиянинг ўзига хосликлари.

Қиёсий педагогика тушунчаси. Қиёсий педагогика фанининг мақсад ва вазибалари. «Қиёсий педагогика» жамияти ва унинг фаолияти.

Фан тараққиётининг биринчи даври. Қиёсий педагогика фани тараққиётининг иккинчи ва учинчи даври, уларнинг ўзига хос хусусиятлари. Қиёсий педагогика фанининг тадқиқот методлари.

ЮНЕСКО ташкилотининг таҳлил соҳасидаги фаолияти. ЮНИСЕФ, МОТ(ХМТ) халқаро ташкилотларининг вазифалари ва таълим-тарбия жараёнлари юксалишидаги ўрни. АҚШ нинг ТИНЧЛИК КОРПУСИ ва унинг иш фаолияти.

Таълимни ислоҳ қилишда ўқув дастурларининг аҳамияти. Жаҳон мамлакатларида таълимни интеграциялаштириш ва касбга йўналтириш масалалари. Таълимни дифференциялаштириш муаммолари ва махсус мактаблар фаолияти.

Германияда таълим-тарбия жараёнларининг ўзига хос хусусиятлари. Францияда таълим сиёсатининг олиб борилиши. Англия таълим тизими.

Япония таълим тизими ва унга дахлдор масалаларнинг олиб борилиши. Корея ва Хитойда таълим-тарбия жараёнлари. Ҳиндистон таълим тизими.

АҚШ ва Ўзбекистон таълим тизимининг қиёсий таҳлили . Россия ва Ўзбекистонда педагогика фани тараққиётидаги ўзига хосликлар: умумийлик ва тафовут.

Қозоғистонда педагогика фани ривожига ўзига хос жиҳатлар. Қирғизистон ва Ўзбекистон таълим тизимининг қиёсий таҳлили. Тожикистон ва Туркманистонда педагогика фани ривожига.

МАКТАБГАЧА ВА КОРРЕКЦИОН ПЕДАГОГИКА АСОСЛАРИ

Мактабгача педагогика асосларининг мавзу баҳси ва илмий-тадқиқот методлари. Мактабгача таълим ёшидаги болалар ривожланишининг умумий қонуниятлари. Мактабгача таълим муассасаси тарбиячиси ва демократик жамиятда унга қўйиладиган талаблар. Мактабгача таълим муассасасида тарбия мазмуни ва методикаси. Мактабгача таълим муассасасида ўйин фаолияти ва уни ташкил этиш. Мактабгача таълим муассасасида педагогик жараённи ташкил этиш. Мактабгача таълим муассасасида таълим-тарбия ишларини режалаштириш ва ҳисобга олиш. Мактабгача таълим муассасаси билан умумий ўрта таълим мактаби ўртасидаги ўзаро боғлиқлик. Мактабгача таълим муассасаси ва оила ҳамкорлиги. Коррекцион педагогика фан сифатида. Ривожланишидаги нуқсонларни классификациялаш, уларнинг сабаблари ва омиллари. Бола ривожланишидаги нуқсонларни диагностика қилишда коррекцион ишлар тамойиллари ва методлари. Ақлий ва психик ривожланишида нуқсонлари бўлган ўқувчиларни коррекцион ўқитиш. Нутқида нуқсон бўлган ўқувчиларни коррекцион ўқитиш. Эшитиш қобилияти бузилган ўқувчиларни коррекцион ўқитиш. Кўриш қобилияти бузилган ўқувчиларни коррекцион ўқитиш. Махсус муассасаларда коррекцион педагогик ишлар таълим жараёнини асоси сифатида. Тарбияси оғир болалар билан олиб бориладиган коррекцион ишлар.

Мактабгача педагогика асослари ва унинг моҳияти. Мактабгача педагогиканинг асосий категориялари. Мактабгача педагогиканинг бошқа фанлар билан алоқаси. Мактабгача педагогиканинг илмий-тадқиқот методлари.

Бола шахсининг шаклланиши. Ўсиш ва ривожланиш. Бола шахсининг шаклланишига таъсир этувчи омиллар. Мактабгача таълим ёш давлари ва уларнинг ўзига хосликлари.

Мактабгача таълим муассасаси тарбиячиси ва унга қўйиладиган талаблар. Мактабгача таълим муассасаси ходимларини тайёрлаш тизими.

Мактабгача таълим муассасасида тарбиянинг мақсади, вазифалари. Тарбиянинг умумий методлари. Жисмоний тарбия. Ақлий тарбия. Ахлоқий тарбия. Меҳнат тарбияси. Эстетик тарбия.

Ўйин болалар фаолиятининг асосий тури. Ўйиннинг ўзига хослиги ва таснифи. Ижодий ўйинлар. Роли ўйинлар. Саҳналаштирувчи ўйинлар. Дидактик ўйинлар. Ўйинчоқ ва унинг таълимий-тарбиявий аҳамияти.

Мактабгача таълим муассасасида болалар ҳаётини ташкил этиш. Болалар жамоасини шакллантириш. Болаларга индивидуал ёндашиш усуллари. Куннинг биринчи ва иккинчи ярмида болалар ҳаётини ташкил этиш.

Мактабгача таълим муассасасида педагогик жараёни режалаштириш. Таълим-тарбия ишларини ҳисобга олиш.

Болаларни мактабга тайёрлаш вазифалари. Тайёрлов гуруҳида олиб бориладиган ишлар. Мактабга таълим муассасаси билан умумий ўрта таълим муассасаси ўртасидаги алоқа шакллари.

Болалар тарбиясида оиланинг роли. Мактабгача таълим муассасасининг оила билан олиб борадиган иш шакллари.

Коррекцион-педагогиканинг пайдо бўлиши, ташкил топиши ва ривожланиши. Коррекцион педагогиканинг предмети, вазифалари ва моҳияти. Коррекцион педагогиканинг асосий вазифалари. Коррекцион педагогиканинг категориялари.

Аномал ўқувчилар билан олиб бориладиган коррекцион ишларнинг асосий йўналишлари. Ривожланишидаги нуқсонларни классификациялаш, уларнинг сабаблари ва омиллари.

Бола ривожланишидаги нуқсонларни диагностика қилишда коррекцион ишлар тамойиллари. Ривожланишида нуқсонли бўлган болаларни психологик-педагогик текшириш методлари.

Психик ривожланишдан ортда қолувчи болаларнинг психологик-педагогик тавсифномалари. Психик ривожланиши ортда қолган болалар билан коррекцион ишлар олиб боришнинг хусусиятлари. Ақли заифликнинг психологик-педагогик хусусиятлари, унинг пайдо бўлиши сабаблари. Ақли заиф болалар билан олиб бориладиган коррекцион ишлар.

Нутқий бузилишлар сабаблари ва уларнинг турлари. Ўқувчиларнинг нутқи бузилишини психологик-педагогик тузатиш. Нутқий бузилиши бўлган болаларнинг психологик-педагогик хусусиятлари.

Эшитиш қобилиятининг бузилиши сабаблари, уларни турларга ажратиш. Эшитиш қобилияти бузилган болаларни оммавий, умумий ўрта таълим мактабларида коррекцион ўқитиш.

Кўриш қобилияти бузилиши турлари, уларнинг сабаб ва оқибатлари. Кўриш қобилияти бузилган болаларни оммавий, умумий ўрта таълим мактабларида коррекцион ўқитиш ва тарбиялаш.

Ўқувчи ёшларни мустақил ҳаётга тайёрлаш. Жамиятда ўз ўрнини топишга, меҳнат қилиш кўникма ва малакаларни ҳосил қилиш орқали уларга коррекцион педагогик таъсир этиш. Мактабни битиргандан сўнг улар тўғрисида маълумотлар йиғиш.

Тарбияси оғир ўсмирлар билан олиб бориладиган педкоррекцион ишлар таҳлили. Ўспиринларда ва ўсмирларда хулқ оғишганликни юзага келтирувчи ижтимоий-педагогик омилларни бартараф этиш усуллари. Шахслараро муносабатлар диагностикаси ва педагогик коррекцияси.

ТАРБИЯВИЙ ИШЛАР МЕТОДИКАСИ

Тарбия ижтимоий-тарихий жараён сифатида; тарбия парадигмалари, тарбия жараёнида бола шахси; тарбия методикаси тушунчаси; инсонпарварлик тарбияси тамойиллари, метод ва технологиялари; тарбия жараёнини ташкил этиш ва амалга

ошириш йўллари; гуруҳ (синф) раҳбарининг фаолияти; болалар жамоат ташкилотлари; тарбия жараёнида ижтимоий институтларнинг ўзаро ҳамкорлигини йўлга қўйиш.

Тарбиявий иш методикаси фанининг мақсад ва вазифалари. Тарбиявий иш методи-каси фанининг бошқа фанлар билан алоқаси. Тарбиявий иш методикаси фанининг илмий-тадқиқот методлари.

Тарбия тушунчаси. Тарбия – умуминсоний қадрият сифатида. Тарбия парадигмалари. Тарбия жараёнида бола шахси.

Инсонпарварлик тарбияси: мазмун ва моҳияти. Инсонпарварлик тарбияси қонуниятлари ва тамойиллари. Инсонпарварлик тарбияси метод ва технологиялари.

Тарбиявий иш: таркиби ва тузилиши. Ижтимоий йўналтирилган тарбиявий иш. Ахлоқий тарбиявий иш. Эстетик ва жисмоний тарбиявий иш. Экологик ва меҳнат тарбиявий иши.

Гуруҳ (синф) раҳбари ва унинг фаолияти мазмуни. Гуруҳ (синф) раҳбарининг вазифалари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари. Гуруҳ (синф) раҳбарининг ўқувчилар билан олиб борадиган иш шакллари.

“Камалак” болалар ва “Камолот” ёшлар ҳаракатининг иш жараёнини ўрганиш. Ёшлар ҳаракатининг фаолиятини таҳлил қилиш.

Тарбиявий ишлар самарадорлигини аниқлаш мезонлари. Тарбиявий ишлар самарадорлигини аниқлаш методикаси. Ташхислаш натижаларини қайд этиш.

ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИНИ ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИ

Методика тушунчаси. Педагогик фанларни ўқитиш методикасининг предмети, мақсад ва вазифалари. Педагогик фанлар тизими ва уларнинг ўзаро алоқаси. Ривожлантирувчи таълимнинг асосий концепциялари тавсифи. Педагогик фанларни ўқитиш жараёни моҳияти ва унинг вазифалари. Педагогик фанлар мазмунини танлаб олиш тамойил ва мезонлари. Педагогик фанлар мазмунини белгиловчи меъёрий ҳужжатлар. Педагогик фанларни ўқитиш методлари таснифи. Педагогик фанларни ўқитиш методлари моҳияти. Педагогик фанларни ўқитишнинг асосий шакллари. Педагогик фанларни ўқитиш жараёнида ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини ташхис этиш.

Методика тушунчаси. Педагогик фанларни ўқитиш методикасининг предмети, мақсад ва вазифалари. Педагогик фанларни ўқитиш методика-сининг бошқа фанлар билан ўзаро алоқаси.

Педагогик фанлар тизими ва уларнинг ўзаро алоқаси. Педагогика соҳаларининг ўзига хос хусусиятлари.

Ривожлантирувчи таълимнинг асосий концепциялари тавсифи. Шахсни ривожлантирувчи таълим назариясини ишлаб чиқишга замонавий ёндашувлар.

Педагогик фанларни ўқитиш жараёни моҳияти ва унинг вазифалари. Таълим жараёнининг тузилиши. Ўқитиш ва ўқиш жараёнлари тавсифи, ўқув жараёнида уларнинг ўзаро боғлиқлиги. Ўқувчиларнинг билиш фаолияти ва унинг тузилиши.

Таълим назария (концепция)лари мазмуни. Ҳозирги замон босқичида таълим мазмунини белгиловчи муҳим ғоялар (асослар). Педагогик фанлар мазмунини танлаб олиш тамойил ва мезонлари. Педагогик фанлар мазмуни-ни белгиловчи меъёрий ҳужжатлар. Давлат таълим стандарти.

Таълим методи ва усуллари тушунчалари. Педагогик фанларни ўқитиш методлари таснифи. Педагогик фанларни ўқитиш методлари моҳияти. Педагогик фанларни ўқитиш воситалари ва уларнинг таснифи.

Таълим турлари ва шакллари тавсифи. Таълимни ташкил этиш тизими. Педагогик фанларни ўқитишнинг асосий шакллари. Педагогик фанларни ўқитишнинг ёрдамчи шакллари.

Педагогик фанларни ўқитишда педагогик ва ахборот технологиялардан фойдаланишнинг ўзига хосликлари. Педагогик фанларни ўқитишда педагогик ва ахборот технологияларидан фойдаланиш йўллари.

Таълим олганликни ташхис этишнинг моҳияти. Ўқув жараёнида назорат ва ҳисобга олиш функциялари. Таълим олганликни натижаларини текшириш ва баҳолаш тамойиллари. Ўқув фаолияти натижаларини ҳисобга олиш турлари, шакл ва методлари. Билим, кўникма ва малакаларни баҳолаш мезонлари.

ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯ

Педагогик технология фан сифатида. Педагогик технологиянинг асосий категориялари. Педагогик технологиянинг методологик асослари. “Технология” тушунчаси. “Педагогик технология” тушунчасининг пайдо бўлиши. Педагогик технологиянинг тарихий ривожланиш даврлари. XX асрда педагогик технологияларнинг ривожланиши. Педагогик технологиялар ривожининг замонавий босқичи.

Ўқувчи шахси таълим жараёнининг объекти ва субъекти сифатида. Шахс қиёфасининг тузилиши ва унинг тўрт даражаси: темперамент, психик жараёнларнинг ўзига хослиги, тажриба ва шахс йўналганлиги. Билим, кўникма ва малакалар(БКМ). Ақлий ҳаракат усулари(АХУ). Педагогнинг инновацион фаолияти ва унинг тузилиши.

Педагогик технология тушунчаси ва унинг ўзига хос жиҳатлари: илмий, просессуал-тавсифий (тавсифлаш, ўқув жараёнини алгоритмлаш), просессуал-ҳаракатли (ўқув жараёнини амалга оширилиши).

Педагогик технологиянинг даражалари: технологик, умумийпедагогик (умумийдидактик), хусусийметодик (фанга оид), локал (модулли).

Педагогик технологияларнинг тузилиши: концептуал асос, мазмунли қисм, просессуал қисм – технологик жараён. Педагогик технологияларга қўйиладиган талаблар: тизимлилик, бошқарувли, самарадорлик, ишлаб чиқариш.

Педагогик технологиянинг назарий асослари: моддий ва идеал, диалектик ва идеал, илмий ва диний, инсонпарвар ва инсонпарварликка қарши, прагматик ва экзистенциал, эркин тарбия назарияси ва бошқалар.

Педагогик жараён тизим сифатида. Педагогик технология тизимли ёндашув сифатида. Таълим технологияларининг таркибий қисми. Педагогик технологиянинг асосий белгилари. Педагогик технологиялар таснифи: қўлланилиш даражасига кўра; фалсафий асосларига кўра; асосий омиллари бўйича; илмий концепциялар бўйича; билиш фаолиятини ташкил этиш ва бошқариш турига кўра ва б.

Анъанавий синф-дарс технологиясининг фарқли белгилари. Анъанавий таълимнинг таснифий тавсифи. Анъанавий таълим тамойиллари. Анъанавий таълим мазмуни ва методикасининг ўзига хосликлари. Таълимнинг анъанавий шаклларининг ижобий ва салбий томонлари.

Тўлиқ ўзлаштириш технологияси ва М.В.Кларин материали бўйича тўлиқ ўзлаштириш методикаси. Тўлиқ ўзлаштириш технологиясининг асосий тавсифи. Таълимнинг мазкур технологиясининг кетма-кетлик қоидаси.

“Ҳамкорлик педагогикаси” технологияси ва унинг мазмуни ва методика-сининг ўзига хосликлари: болага шахс нуқтаи назаридан ёндашув; билим, кў-никма ва малакаларни умумлаштирувчи таълим; атроф-муҳитни педагогиза-сиялаш. Тарбия концепцияси. Френе мактабидаги таълим технологияси.

Ўйин технологиялари ва уларнинг ўзига хосликлари. Ўргатувчи, назорат қилувчи, тарбиявий, ривожлантирувчи, фанга оид, ролли, ишбоп ва б.

Муаммоли таълим ва унинг ўзига хосликлари: муаммоли вазиятларни яратиш, фаол билиш фаолияти, мураккаб масалаларин мустақил излаш ва ҳал этиш ва б.

Табақалаштирилган даражадаги технология: индивидуал ўзига хослик-лари, ёши, кизиқишлари, ақлий ривожланиш даражаси, соғломлик даражаси ва б.

Индивидуал таълим технологияси: таълим ҳар бир ўқувчининг қобили-ятлари билан боғлиқликда олиб борилади.

Ахборот технологиялари: таълимий ва назорат қилувчи дастурлар.

Таълимнинг жамоавий ва гуруҳий технологияси.

Боланинг интеллектуал қобилиятини ривожлантириш – барча ривожлан-тирувчи таълим технологияларининг асоси.

Л.В.Занковнинг ривожлантирувчи таълим технологияси ва унинг назарий билимларнинг ҳал қилувчилик роли тамойили.

Д.Б.Элқонина ва В.В.Давыдовларнинг ривожлантирувчи таълим технологияси ва уларнинг машғулотлардаги ўқувчиларнинг мақсадга йўналтирилган фаол ўқув фаолияти тамойили.

Интерфаол технологиялар. Технологик карта.

Таълимнинг уч босқичли модели. Чакирик, Англаш, Фикрлаш. Уч босқичнинг вазифалари. Танқидий фикрлаш асослари.

Инсонарварлик педагогикаси. Тарбия санъати ва технологияси. Яхлит ёндашув. Тарбиявий иш.

ПЕДАГОГИК МАҲОРАТ

Педагогик маҳорат, унинг ўқитувчи фаолиятида тутган ўрни. Педагогик фикр тарихи ва мактаб амалиётида ўқитувчи маҳорати. Ўқитувчи фаолиятида педагогик қобилият. Ўқитувчининг коммуникатив қобилияти. Ўқитувчи фаолиятида мулоқот маданияти ва психологияси. Мулоқотни ташкил этишда умуминсоний қадриятларнинг устиворлиги. Ўқитувчи ва ўқувчи ўртасидаги мулоқот. Педагогик назокат ва одоб-ахлоқ. Педагогик низолар ва уларни бартараф этиш технологияси. Педагогик техника ҳақида тушунча педагогик техникани шакллантириш услублари. Нутқ техникаси ва маданияти. Ўқитувчининг таълим жараёнидаги маҳорати. Ўқитувчининг тарбиячи сифатидаги маҳорати. Ўқитувчи меҳнатини илмий асосда ташкил этиш. Ўз-ўзини тарбиялаш ва ўз устида ишлаш. Шахсий педагогик тажрибани тўплаш тизими.

Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни ҳамда “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” асосида ўқитувчи фаолияти мазмунига қўйиладиган талаблар. Ўқитувчининг умумий маданий савияси ва қобилияти. Ўқитувчилик фаолиятининг тизими, касбий маҳорати ҳақида тушунча. Педагогик маҳоратнинг таркибий қисмлари ва уларнинг моҳияти. Ўқитувчи фаолиятининг асосий йўналишлари. Педагогик билимлар. Педагогик заковат. Педагогик қобилият. Педагогик техника.

Энг қадимги даврлардан эрамининг VII асрларигача бўлган даврларда ўқитувчи (мураббий), шогирд ва уларнинг жамиятдаги ўрни, педагогик фаолият борасидаги ижтимоий қарашлар.

Шарқ мутафаккирлари Ал-Хоразмий, Абу Райхон Беруний, Абу Али ибн Сино, Алишер Навоий, Абдулла Авлоний, Юсуф Хос Ҷожиб, Кайковус ва бошқаларнинг ижодий меросларида мударрисларни танлаш, уларга қўйиладиган талаблар, уларнинг маҳорати, мулоқот ва муомала маданияти, муносабатга киришиш маҳорати, уларни эгаллашга қўйиладиган талаблар ҳақидаги илғор фикрлар.

Юнон ва Рим файласуфлари Суқрот, Плутон (Афлотун), Демосфен, Аристотел (Арасту) Сисерон ва Квинтилианларнинг асарларида педагоглар ҳамда уларнинг нотиклик санъати тўғрисидаги ғоялар.

А.Коменский, А.Дистерверг, К.Д.Ушинский ва бошқаларнинг ўқитувчи, унинг касбий тайёргарлиги ҳамда педагог маҳоратининг таълим-тарбия ривожига алоҳида ўрни борасидаги қарашлари.

Қобилиятнинг психологик-педагогик тавсифи. Педагогик қобилиятнинг асосий турлари. Эмпатия ва перцептив қобилиятлар. Дидактик, ташкилотчилик, конструктив, коммуникатив, билиш ва англаш қобилиятлари. Ўқитувчи иродаси, сабр-тоқати, мақсадга интилиши, ўз ҳатти-ҳаракатларининг тўғрилигига нисбатан қатъий ишончи, унинг ўз-ўзини идора қилиш ҳамда бошқаларга таъсир ўтказа олиш қобилияти, ҳис-туйғулари ва кайфиятини бошқара олиши, ўз зиммасига жавобгарликни ола билиши, ижодий ҳолатни ташкил эта олиши каби сифатлари.

Мулоқот орқали таъсир этиш. Мулоқотга киришиш. Алоқа ўрнатиш (коммуникация) тушунчаси, унинг моҳияти, педагогик таъсир этиш усуллари. Ўқитувчи томонидан мулоқотга киришиш жараёнида қўлланиладиган муомала услублари. Ўқитувчининг коммуникатив кўникмаси: “Юзни ўқиш санъати”, ўзгалар ҳолатини тушуна олиш, ўзини намоён қила билиш, нутқ воситаси ҳамда сўзсиз ҳолатда инсон руҳиятини тушуна олиш. Ўқитувчи томонидан ўқувчи билан мулоқотда бўлиш жараёнида қўлланиладиган педагогик таъсир кўрсатиш усуллари: ишонтириш ва маъқуллаш. Ишонтиришнинг оғзаки шакллари: огоҳлантирувчи сўзлар, тезлик билан таъсир этиш, ижро этишга ундовчи буйруқлар, таъқиқланган иборалар, ҳазил орқали англашиш, маъқуллар ёки айблаш.

“Мулоқот” атамасининг фалсафий, ижтимоий, психологик ва педагогик моҳияти, мулоқот бирлиги. Педагогик мулоқот, унинг ўзига хос хусусиятлари. Педагогик мулоқотни ташкил этиш маданияти. Педагогик мулоқотни ташкил этиш босқичлари ва усуллари. Педагогик мулоқот модулини ишлаб чиқиш. Ўқув-тарбия жараёнида педагогик мулоқот жараёнини бошқариш услублари. Мулоқот жараёнида ташаббусни бошқариш.

Дарс ҳамда дарсдан ташқари жараёнда ўқитувчи ва ўқувчилар ўртасидаги мулоқот, унга қўйиладиган талаблар.

Ўқувчилар жамоасида уларнинг эътиборларини жалб этиш ва ижодий кайфиятларини яратишда ўқитувчи мулоқотининг таъсири ва унинг аҳамияти, ўқувчи билан бўлган мулоқот жараёнида ўқитувчи томонидан ишонтириш ва таъсир этиш усулларида фойдаланиш. Мулоқот жараёнини бошқариш услублари. Ўқитувчи обрўси. Авторитар услубдаги мулоқот. Либерал услубнинг ўқитувчи фаолиятида намоён бўлиш хусусиятлари. Ўқитувчининг демократик услубдаги мулоқоти – ўқувчилар фикрига таяниш, ушбу фикрларни маъқуллаш шакли.

Илмий педагогик адабиётларда берилган мулоқот турлари (дўстона мулоқот, кўрқув асосига қурилган мулоқот, ҳазил-мутойибага асосланган мулоқот ва бошқалар) ҳақида.

Педагогик одоб ва педагогик назокат ҳақидаги тушунча. Педагогик назокат тамойиллари ва унинг вазифаси. Педагогик назокат меъёри: ихтисос соҳасидаги бурч, педагогик адолат, ихтисосга доир виждон иззат-нафс ва педагогик орият. Педагогик назокат-ўқитувчи ахлоқининг ижодий кўриниши. Педагогик назокатнинг зарурлиги. Педагогик назокатнинг моҳияти ва хусусияти. Ўқитувчининг дарс жараёнидаги назокати. Назокат ва тактика.

Педагогик низоларнинг асосий сабаблари. Педагогнинг перцептив (ўқувчи, талабаларни тушуниш) хатолари. Педагогнинг ўқувчи-талабалар билан иш ёки шахсий иш юзасидан бўладиган келишмовчиликларни ва уларни бартараф этишнинг ўзига хос хусусиятлари. Ёш педагоглар фаолиятида одатда йўл қўйиладиган хатолар ва уларни

енгиш йўллари. Педагогик назокат. Ўзаро учрайдиган низоларни бартараф этиш технологияси.

Педагогик техника-ўқитувчининг феъл-атвори, юриш-туришини ташкил этувчи усуллар мажмуаси. Педагогик техника воситаси: вербал ва новербал коммуникация. Педагогик техниканинг таркибий қимлари. Ўқитувчининг ўз рухий ҳолатини бошқара олиш техникаси. Ички ва ташқи техника. Психотехниканинг илмий асослари. Диққатнинг тақсимланиши, кузатувчанлик, муайян объектни тез англай олиш, аниқ ва ёрқин тасаввур этиш, бадиий сезгирлик. Ўқитувчининг ташқи қиёфаси ва унга қўйиладиган талаблар.

Нутқнинг инсон ҳаёти ва жамият таракқиётидаги ўрни. Мутафаккирлар ва педагогларнинг сўз ва нутқнинг ижтимоий жамиятда тутган ўрни ва роли ҳақидаги қарашлари. Нутқнинг ўқитувчи ва ўқувчи ўртасидаги ўзаро мулоқот жараёнидаги асосий боғловчи восита эканлиги. Нутқ органлари, нутқ аппарати. Тил ва нутқ. Оғзаки нутқнинг психологик тузилиши; мақсади (нима учун гапиряпман?), мазмуни (нима демоқчиман?). Нутқ маданияти ҳақида тушунча, унинг унсурлари. Нутқ техникаси: нафас олиш, овозни йўлга қўйиш, унинг тозаланиши, талаффуз, нутқ суръати. Ўқитувчининг нутқ маҳоратини такомиллаштириш йўллари.

Ўқитувчининг ўқувчиларни билиш (англаш) фаолиятини бошқаришдаги маҳорати. Дарс мазмунини ўқувчилар томонидан ўзлаштириб олинишига ёрдам берувчи жиҳатлар, уларнинг қизиқиш ва фаолликларини ошириш кўникмасини ҳосил қилиш. Ўқитувчи фаолиятида кўтаринки рух, яхши кайфият, ишга бўлган ҳошишинг етакчи ўрин тутиши ва уларни ҳосил қилиш йўллари.

Тарбиячи маҳоратининг моҳияти. Фаолиятни ташкил этишни олдиндан ташхислаш маҳорати. Ўқувчиларни ўрганиш диагностикаси. Жамоани ўрганишнинг асосий мезонлари. Тарбиявий жараёни ташкил этишда ўқитувчининг ўз-ўзини текширишга йўналтирилган диагностикасининг ўрни ва аҳамияти. Тарбиячи маҳоратининг тизими: ижтимоий, эстетик, ахлоқий ҳамда технологик. Тарбиячи фаолиятининг асосий кўникмалари.

Педагогик маҳоратни шакллантиришнинг асосий тамойиллари: яхлит ҳолда ёндашув; фаол мулоқот; педагогик ҳаракатнинг хилма-хиллиги; педагогик таъсирининг кўп қирралилиги; назарий билим ва амалий малакаларнинг ўзаро боғлиқлиги. Ўқитувчи меҳнатини назарий ва амалий жиҳатдан ташкил этиш ва унинг ўқитувчи маҳоратини шакллантиришдаги аҳамияти. Мақсаднинг қўйилиши-педагогик фаолиятни ташкил этишнинг таянч унсури: мақсаднинг изчиллиги.

Ўз-ўзини тарбиялаш ва ўз устида ишлаш педагогик маҳоратини шакллантиришнинг асосий шарт сифатида. Ўқитувчи фаолиятида ўз устида ишлашнинг ўз-ўзини англаш ва тарбиялаш фаолияти билан ўзаро боғлиқлиги. Ўз устида ишлаш ва ўз-ўзини тарбиялашнинг психологик-педагогик асослари.

Ўқитувчининг касбга оид маҳоратини шакллантиришда психологик ва педагогик назарияларнинг аҳамияти. Жаҳон мамлакатларида тўпланган педагогик маълумотларнинг умумий мазмуни. Педагогик маълумотларни мақсадга мувофиқ ажратиш кўникмаси ва уни тўғри танлай билиш мезони. Илмий-педагогик маълумотларни тўплашда ҳисоблаш техникаси ва компьютер хизматидан фойдаланиш. Илғор педагогик тажрибани ўрганишга оид материалларни тўплаш. Илғор педагогик тажрибани ўрганиш ва уларни умумлаштириш усуллари.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т.: 2012.-40 б.
2. Ш.М.Мирзиёев. Олий Мажлисга Мурожаатнома, Тошкент, 2020 йил 24 январ.
3. Ш.М.Мирзиёев “Буюк келагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қураимиз”.- Тошкент: - “ Ўзбекистон”, 2017 й.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги ПФ-4947-сонли Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.
5. Каримов И.А. Юксак маънавия-енгилмас куч.-Т.: Маънавият, 2008.
6. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура.-Т.: Ўзбекистон, 1993.
7. Ҳошимов К., Сафо Очил. Ўзбек педагогикаси антологияси. – Т.: Ўқитувчи, 2010.
8. Ниёзов Ғ., Ахмедова М. Педагогика тарихидан семинар машғулоти. – Т.: Ношир, 2011.
9. Хайруллаев М. Маънавият юлдузлари. – Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 2001.
10. Педагогика. // М.Тохтаходжаеванинг умумий таҳрири остида. – Т.: Ўзбекистон Файласуфлари Миллий жамияти, 2010
11. Зиёмухаммедов Б. Педагогика. – Т.: Турон-Иқбол, 2006.
12. Харламов И.Ф. Педагогика. – М.: Гардарики, 2005.
13. Ҳасанбоева О ва бошқалар. Оила педагогикаси. – Т.: Алоқачи, 2007.
14. Муталипова М.Ж. Халқ педагогикаси – Т.: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонаси нашриёти, 2011.
15. Ибрагимов Х.И., Абдуллаева Ш.А. Педагогика назарияси. - Т.: “Фан ва технологиялар” нашриёти, 2008
16. Иномова М. Оилада болаларни маънавий-ахлоқий тарбиялашда миллий кадрлар. – Т.: Фан, 1995.
17. Бобомирзаев Х. Халқ оғзаки ижоди ва унинг таълим тарбиядаги самараси. – Т.: Ўқитувчи, 1996.
18. Эгамбердиева Н.М. Ижтимоий педагогика. – Т.: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2009.
19. Мусурмонова О. Ўқувчиларнинг маънавий маданиятини шакллантириш – Т.: Фан, 1993.

20. Шодмонова Ш., Эргашев П. Қиёсий педагогика. – Т.: ТДПУ, 2005.
21. Исмоилова З. Тарбиявий иш методикаси – Т.: Истиклол, 2003.
22. Ишмухаммедов Р., Абдуқодиров А., Пардаев А. Тарбияда инноватцион технологиялар/ – Т.: Фан ва технология, 2010.
23. Ҳасанбоева О., Джамилова Н. Педагогик фанларни ўқитиш методикаси. – Т.: 2008.
24. Фарберман Б. Илғор педагогик технологиялар – Т.: 1999.
25. Мунавваров А.К. Педагогик қобилият ва маҳорат. – Т.: Ўқитувчи, 1998.
26. Ахроров Ю.А. Педагогик маҳорат. (маъруза матни). Самарқанд, 2001
27. Азизхўжаева Н.Н. Педагогик технология ва педагогик маҳорат. – Т.: ТДПУ, 2003.
28. Маънавият дарслари (Тузувчи С. Нишонова). – Т.: Ўқитувчи, 1994.
29. Қуронов М. Мактаб маънавияти ва миллий тарбия. -Т.: Фан, 1995.-117 б.
30. Очил С. Мустақиллик маънавияти ва тарбия асослари (Ўзбекистон Республикаси Президенти, академик И.А. Каримов асарлари мисолида)- Т.: Ўқитувчи, 1995.-207 б.

2021-2022 ўқув йилида Самарқанд давлат университетига 13.00.01- Педагогика назарияси ва тарихи. Педагогик таълимотлар тарихи ихтисослиги бўйича таянч докторантура (PhD)га кирувчиларнинг билимини БАҲОЛАШ МЕЗОНИ

13.00.01- Педагогика назарияси ва тарихи. Таълимда менежмент ихтисослиги бўйича таянч докторантура (PhD)га “Мутахассислик фанлар”дан кириш синовлари (ёзма ишлар) вариантлари Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқланган дастур асосида тузилган бўлиб, ҳар бири 5 та саволдан иборат. Ҳар бир савол 0 баллдан 20 баллгача оралиғида, вариантдаги 5 та саволга берилган жавоблар умумлаштирилиб 0 баллдан 100 балл оралиғидаги баллар билан баҳоланади.

1. Саволга берилган жавоб аниқ ва тўлиқ бўлиб, қўйилган масаланинг мазмуни ва моҳияти етарлича очилган, ҳар бир фикр мисоллар, мустақил кузатишлар билан исботланган, масалани ечишга ижодий ёндошилган, ижодий қобилияти, шунингдек илмий ва илмий-техник ахборот билан мустақил ишлаган, тизимли мустақил таҳлил қилган, хулосалар чиқарилган бўлса, бундай жавобга 17,2-20 оралиғида балл қўйилади;
2. Агар саволга жавоб берилган бўлиб, мисоллар келтирилган, лекин мустақил фикр юритилмаган, ижодий қобилияти, шунингдек илмий ва илмий-техник ахборот билан мустақил ишлаган, лекин уларни таҳлил қилаолмаган, фактларга тўғри баҳо берилган, мантиқий кетма-кетликка амал қилинган бўлса (агар вариантда мисол ёки масала берилган бўлиб, мисол ва масала ечилган ва ечишда мавжуд назарий қонун-қоидаларга амал қилинган бўлса), у ҳолда бундай жавобга 14,2-17,1 оралиғидаги балл қўйилади;
3. Агар саволга жавоблар келтирилган бўлса-да, фақат дарслар жараёнида келтирилган мисоллар ёзилган, савол юзасидан мустақил фикр юритилмаган, курс бўйича асосий тушинчалар ўрта даражада ўзлаштирилган, баъзи бир умумий ҳолдаги хатоликларга йўл қўйилган ва мантиқий кетма-кетликка амал қилинган бўлса (агар вариантда мисол ёки масала берилган бўлиб, мисол ва масалани ечишга ҳаракат қилинган ва ечишда мавжуд назарий қонун-қоидаларга амал қилинган бўлса), у ҳолда бундай жавобга 11-14 оралиғидаги балл қўйилади;
4. Агар саволнинг жавобида умумий тушунчалар келтирилиб, масаланинг мазмун ва моҳияти очилмаган, саволга жавоб беришда хатоликларга йўл қўйилган, ўқув материали етарли даражада ўзлаштирилмаганлиги учун мисоллар келтира олмаган

ёки нотўғри мисоллар келтирган, курс бўйича асосий тушунчалар етарли даражада ўзлаштирилмаган, мулоҳаза юритишда қўпол хатоликларга йўл қўйилган бўлса (агар вариантда мисол ёки масала берилган бўлиб, мисол ва масалани ечишга ҳаракат қилинмаган ёки бирон бир назарий хулосалар ёки формулалар келтирилмаган бўлса), бундай жавобга 6-10,9 оралиғидаги балл қўйилади;

5. Агар саволга жавоб беришга ҳаракат қилган, лекин мавзудан четлашиб кетган, мисоллар келтира олмаган, курс бўйича асосий тушунчаларни ўзлаштирмаган ҳолатда 1-5,9 оралиғидаги балл қўйилади;
6. Агар саволга мутлақо жавоб берилмаган ёки жавоблар бошқа саволга берилган бўлса (агар вариантда мисол ёки масала берилган бўлиб, мисол ва масалани ечишга мутлақо ҳаракат қилинмаган ёки бирон бир формула келтирилмаган бўлса), бундай жавобга 0 балл қўйилади.

13.00.01- Педагогика назарияси ва тарихи. Таълимда менежмент мутахассислиги бўйича «Мутахассислик фанлар»дан таянч докторантура (PhD)га кириш синовларини баҳолаш ва ўтказиш МЕЗОНИ

13.00.01- Педагогика назарияси ва тарихи. Таълимда менежмент ихтисослиги бўйича таянч докторантура (PhD)га «Мутахассислик фанлар»дан кириш синовлари куйидаги тартибда амалга оширилади:

- Кириш синовлари Олий таълим муассасаси ректори томонидан тасдиқланган махсус комиссия аъзолари иштирокида ўтказилади ва ёзма ишлар шифрлангандан кейингина текшириб баҳоланади.
- Кириш синовлари учун (ёзма ишлар) 3 соат вақт ажратилади ва белгиланган вақтда тегишли хоналарда ўтказилади.
- Таянч докторантура (PhD)га кирувчилар билими 0 баллдан 100 баллгача бўлган баллар оралиғида баҳоланади.
- Кириш синовлари вариантлари бешта саволдан иборат бўлиб, вариантлар сони 60 тадан кам бўлмаслиги талаб этилади.
- Вариантлардаги саволлар махсус фанлар бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан тегишли йўналиш учун тасдиқланган дастурлар асосида тузилади.
- Ёзма ишлар синов ўтказилган куннинг ўзида баҳоланиб, тегишли тартибда расмийлаштирилади.
- Баҳолаш натижалари синов ўтказилган куннинг эртасига соат 12⁰⁰ гача эълон қилинади.
- Қўйилган баллардан норози бўлган талабгор синов натижалари эълон қилинган вақтдан бошлаб 24 соат давомида қабул комиссиясининг раисига ёки апелляция (адолат) комиссияси раиси номига ариза билан мурожаат қилиши мумкин. Апелляция ҳақидаги аризани кўриб чиқиш муддати икки кундан ошмаслиги керак.

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИНИНГ ТАЯНЧ ДОКТОРАНТУРА ИХТИСОСЛИКЛАРИГА КИРИШ СИНОВЛАРИ УЧУН

**МАХСУС ФАНЛАРДАН ДАЪВОГАРЛАРНИНГ БИЛИМЛАРИНИ
БАҲОЛАШ МЕЗОНИ**

Синов топшириш шакли	Ёзма
Ажратилган вақт	120 дақиқа
Саволлар сони	5
Ҳар бир савол учун белгиланган балл	20
Максимал балл	100
Ўтиш бали	55